

ZUR no. 10

ZEF-UNESCO Rivojlanishlari*

Ноябрь 2009


ZEF/UNESCO лойиҳасининг Хоразм вилоятида ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш бўйича илмий ишланмаси

Инновациялар изидан: Ўзбекистонда бирлашган иштирок ёндашувини ривожлантириш

Қишлоқ хўжалигининг мажмуи муаммолари инновацион ечимларни талаб этади. Бу соҳада ўтказиладиган илмий изланишлар потенциал ечимларни топади, ammo уларни амалга оширилишини ўз зиммасига олмайди. Ушбу илмий ишланмада илмий ечимларни потенциал фойдаланувчиларга, улар билан яқиндан ҳамкорлик қилган ҳолда, етказиб беришда Ўзбекистондаги ZEF/UNESCO лойиҳасининг ёндашуви ҳақида қисқача баён этилган.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ZEF/UNESCO лойиҳаси томонидан инновацияларни жорий қилиш, ривожлантириш ва мослаштириш ёндашуви илмий изланишларда иштирок этган аҳоли ҳамкорлигида ишлаб чиқилган. Ушбу услуб кенг тарқалган ва "Инновациялар изидан (Follow the Innovation - FTI)" деб номланади.

Мазкур ёндашув илмий ходимлар, фермерлар, мутахассислар ва раҳбар ходимларни ўзаро билим ва тажриба алмашинуви орқали ҳамда бирлашган ҳолда инновацияларни жорий қилишдан иборат. Ушбу ёндашув илм ва фермер ҳамда бошқа дахлдор шахсларни узвий ҳамкорликка йўналтиради ва яратилган илмий ишланмаларни биргаликда синаб кўриш, жорий қилиш мумкинлигини аниқлаш ва якуний баҳолашни тақозо этади (1-расм). Агарда фермерлар инновацияларни қабул қилсалар, унда ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда уларни жорий этиш фермерларнинг ўзларига ҳавола этилади. Бунда инновацияларни тадбиқ қилиш жараёни мониторинг қилиб борилади ва кузатув давомида инновация бўйича юзага келган фикрлар фермерларга билдирилади.



1-расм. Инновациялар изидан: ёндашув

УНУМСИЗ ЕРЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УЧУН ДАРАХТЗОРЛАР БАРПО ЭТИШ Сув танқислиги ва тупроқ шўрланиши натижасида Ўзбекистонда ер майдонлари деградация учрамоқда. Лойиҳада бажарилган инновацион тадқиқотлар кўрсатишича, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш юритишга яроқсиз ерларда дарахтларнинг учта тури етиштирилиши ва тегишли фойда келтирилиши мумкин.

Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази (МБЎХИИЧМ) билан ЦЭФ/ЮНЕСКО лойиҳаси ходимлари ҳамкорликда хўжаликларда деградацияга учраган баъзи ер майдонларини аниқладилар ва инновацияга қизиқувчи иккита фермер ёрдамида мазкур илмий ишланмани уларнинг ерларида текшириб кўрмоқдалар. Дарахтлар кучати МБЎХИИЧМ томонидан таъминланди. Ҳозирда фермерлар ва лойиҳа тадқиқот гуруҳи ўрнатилган кўрсаткичларга асосан экилган кўчатларни ўсиши ва



German Ministry for Education and Research (BMBF)



Zentrum für Entwicklungsforschung
Center for Development Research
University of Bonn



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization



ривожланишини доимий равишда кузатмоқдалар. Натижада, Хоразм вилоятининг фермер хўжалиги шароитларида мазкур инновацияни потенциали бўйича тегишли хулоса қилинади.



2-расм. СФУ нинг иш фаолиятини баҳолаш бўйича гуруҳ музокаралари (Анисия Кудрявцева сурати)

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фаолиятининг яхшиланиши

1999 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан хўжаликларда суғориш сувларини тақсимланиши ва унинг инфратузилмаси бошқаруви сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг (СФУ) зиммасига юклатилди. Шундай бўлса ҳам, сувдан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги ҳанузгача СФУ ларни ўзларига хизмат кўрсатадиган мустақил ташкилот эмас, балки давлат сув хўжалиги бошқаруви тизимининг ташкилотидек қабул қиладилар. Ҳозирда кўпчилик СФУ ларнинг институционал заифлиги қуйидагилардан иборат: қарорлар қабул қилиш жараёниларида кам қатнашиш, тўловларни ўз вақтида тўплай олмаслик, суғориш инфратузилмасини мақбул ишлаб туришини таъминлай олмаслик ҳамда ирригация тизими талаб даражасидан паст равишда хизмат кўрсатиши. Сув хўжалигини муваффақиятли бошқаришнинг ушбу камчиликлари ҳозирда илмий ходимлар ва уларнинг ёрдамчилари, Кўшкучир туманидаги Аширмат номли СФУ ва қишлоқ раҳбарияти аъзолари, ҳамда маҳаллий жамоатчилардан ташкил топган ишчи гуруҳи томонидан бартараф қилинмоқда. Бундан мақсад шундаки, Аширмат номли СФУ ни ривожлантириш, маҳаллий жамоатчилик томонидан тан олинган ва юқори даражада фаолият кўрсатувчи маҳаллий СФУ лар қаторига қўшишдир. Ушбу СФУ ташкил топгандан буён ўтказилган биринчи умумий мажлисда мазкур СФУ ўзининг йиллик режаси ва бюджетини барча аъзоларига таништирди. Бундан ташқари, улар биргаликда ютуқларини баҳолайдилар ва олиб бораётган фаолиятини доимий равишда қайта кўриб чиқадилар. Мониторинг ўтказиш стратегияси ҳамда жорий қилинаётган инновацияни кузатилаётган таъсирини баҳолаш бўйича тегишли индикатор-кўрсаткичлар шакллантирилди ва ҳозирда бир қатор керакли маълумотлар тўпланмоқда.

Хулоса

Инновацияларни маҳаллий кўламда қайта баҳолаш ва мослаштириш борасида қилинган биринчи қадамлар муваффақиятга сазовор бўлди. Бироқ, шу билан бир қаторда қийинчиликлар ҳам пайдо бўлди. Муамоларни ечимини топиш ва инновацияларни мослаштириш узоқ муддатни талаб қилади. Масалан, деградацияга учраган ерларда кўп йиллик экинлар ва дарахтларни етиштириш бўйича қилинган сарф-ҳаражатлар ва улардан келадиган фойдани фақат кўп йиллардан сўнг ҳисоблаш мумкин. Шу билан бир қаторда СФУ нинг шаклланиши ва институционал мустаҳкамланиши узоқ муддатли ўзаро мулоқот ва ҳаракатни талаб қилади.

Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида фермерларга тегишли ер майдонларининг 80-85 фоизда экинлар давлат буюртмаси

бўйича етиштирилиб, қолган майдонда полиз, сабзовот ва ем-ҳашак экинлари парваришланади. Шундай бўлса-да, инновацион альтернатив экинлар етиштиришга қизиқувчи фермерлар унумдорлиги жуда паст бўлган ерларда тажриба синовларини ўтказиш учун яна бир бор давлат раҳбар ходимларидан руҳсат сўрашни маъқул кўрадилар. Фермерларнинг фикрича, катта ҳажмда ишлаб чиқариш юртишнинг тўсиқлари тегишли илм тадқиқлигида бўлмасдан, балки даркор ҳаражатларни етишмаслиги ва мутаносиб хизмат кўрсатувчиларнинг номавжудлигидадир. Давлат буюртмаси экинларининг йиғим терим вақти ва муддатларига зид етказмайдиган инновациялар (масалан, тезпишар ем-ҳашак экинлари, мош ва ҳоказо) ва давлат буюртмасига кирмайдиган экинларни кенг майдонларда тадбиқ этиш имкониятлари юқоридир.

Инновацияларни жорий этиш жараёни узоқроқ вақтни талаб қилишига қарамасдан, бунда фермерлар ва тегишли мутахассисларни яқиндан ҳамкорликда иштирок этиши, инновацияларни “истикболли” ва “мос келадиган” кўринишларини тушунишда, шунингдек, “истикболли” инновацияларни “маҳаллий шароитга мос” келтиришда қандай ўзгаришлар киритилиши кераклигини, ҳамда ушбу инновациялар охири оқибатда узоқ-муддатлик ва барқарорликни кафолатлаши учун олдиндан шарт ва белгиларини аниқлаш энг мақбул усул ҳисобланади.



3-расм. FTI гуруҳи ҳамкори фермер Муборак ва унинг оиласи ташландиқ ерда дарахт экишмоқда (Елена Кан сурати)

АДАБИЁТЛАР:

- Chambers, R. (2005) Ideas for Development. London: Earthscan.
 Ryan, B., Gross, N. (1943) 'The Diffusion of Hybrid Seed Corn in two Iowa Communities' Rural Sociology 8: 15–24.
 Douthwaite, B. (2002) "Enabling Innovation: A Practical Guide to Understanding and Fostering Technological Change". London: Zed Books Limited.

НАШРИЁТ

Муаллифлар:

Мехмуд Ул-Хассан, Анна-Катарина Хорнидж, FTI-гуруҳи (ZEF илмий ходимлари).

Муҳаррир: Алма ван дер Вин (ZEF)

* ZUR нинг қисқартмаси: ZEF-UNESCO Ривожланишлари.

ZUR илмий ишланмаларида илмий лойиҳанинг натижалари ва қўлланган усул-услуглари мунтазам равишда чоп этилади.

Тараққиёт Изланиш Маркази томонидан нашр қилинган (ZEF)

Олмония, Бонн университети

Ўзбекистон лойиҳаси офиси

тел: + 49 228 731917 ёки 731865

e-mail: khorezm@uni-bonn.de

Интернетдаги саҳифа: <http://www.zef.de/khorezm.0.html>